



2018

Фуқаролар учун бюджет

Ўзбекистон Республикаси
Молия Вазирлиги





Фуқаролар учун бюджет

Тошкент – 2018

Мундарижа

Табрик сўзи	4
1. Кириш	6
Бюджет ўзи нима?	7
Бюджет қандай шакллантирилади?	10
2. Иқтисодий истиқболлар ва вазифалар	16
Асосий макроиқтисодий параметрлар	17
Солиқ-бюджет сиёсатининг устуворликлари	20
3. 2018 йилги Давлат бюджети	23
Давлат бюджети даромадлари	24
Давлат бюджети харажатлари	35
Таълим	36
Соғлиқни сақлаш	45
Фан, маданият ва спорт	51
Аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш	53
Фуқаролик жамияти институтларини кўллаб-қувватлаш	58
Иқтисодиёт тармоғи харажатлари	58
Марказлаштирилган инвестициялар	59

Уй-жойларни қуриш	61
Давлат бошқаруви	61
Захира жамғармалари	62
Бошқа харажатлар	63
4. Бюджетлараро муносабатлар	65
Минтақаларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун республика бюджетидан ажратиладиган харажатлар: трансфертлар	66
5. Давлат қарзи	70
6. Давлат мақсадли ва бюджетдан ташқари жамғармалари	75
Асосий тушунчалар	99
Алоқа қилиш учун қисқа маълумот	102

Хурматли юрtdошлар!

Сиз кўлингизда илк мартаба нашр этилаётган Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар учун бюджет” нашрини ушлаб турибсиз. Ушбу нашр билан Ўзбекистон ўз аҳолисига давлат молияси, Давлат бюджети маблағларини шакллантириш манбалари ва сарфлаш йўналишлари тўғрисидаги ахборотни қулай ва тушунарли шаклда тақдим этадиган жаҳоннинг 100 та мамлакатлари сафига кўшилмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2017 йилнинг 22 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига қилган Мурожаатномасида Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари халқ учун очиқ-ошкора бўлишини таъминлаш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Ўз навбатида, бюджет маълумотларини жамоатчилик учун очиқ-ошкора бўлиши давлатимиз раҳбарининг “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши лозим”, деган тамойилларига тўлиқ мос келади.

Аҳолининг кенг қатлами учун ахборотнинг мазмунан қулайлигини таъминлаш бюджет борасида фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш механизмларининг самарадорлигини оширишда муҳим йўналиш ҳисобланади. Тан олиш керакки, бугунги кунгача чоп этилаётган бюджет маълумотлари одатда кўпчилик фуқаролар учун амалий аҳамият касб этмас эди.

Ушбу нашр 2018 йил учун тасдиқланган Давлат бюджети параметрлари доирасида тузилган бўлиб, унда бюджет даромадлари ва устуворликлари, ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларни молиялаштириш ва кутилаётган мақсадлар ҳақидаги ахборот фуқаролар учун тушунарли бўлган тилда изоҳлар ва тушунти-

ришлар билан очиб берилган.

Мазкур нашрнинг асосий афзалликлари бўлиб қулай навигация ва маълумотларни инфографика орқали кўрсатиш ҳисобланади ва, фикримизча, бу ҳар бир фуқарога республикада олиб борилаётган бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳақида ахборот олишида ёрдам беради.

Эндиликда “Фуқаролар учун бюджет” мунтазам равишда чоп этилади ва у аҳолини Давлат бюджети ҳақида маълумотлар билан таъминлаш билан бир қаторда, уларнинг давлат бюджет сиёсатини шакллантиришда иштирокини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Бугун эътиборингизга ҳавола этилаётган “Фуқаролар учун бюджет” Молия вазирлигининг бу йўналишдаги илк тажрибасидир ва биз мазкур нашр бўйича таклиф ва мулоҳазаларингизни metodsovet@mf.uz манзилида қабул қилишдан мамнунмиз. Берган таклифларингиз “Фуқаролар учун бюджет”нинг кейинги нашрларида ҳамда кейинги йиллар учун бюджет лойиҳаларини тайёрлашда, албатта, ҳисобга олинади.

Бюджет маълумотларининг фуқаролар учун тақдим этилган ушбу кўриниши бюджет маблағларини шакллантириш ва уларни сарфлаш ҳақида ахборот берувчи фойдали манба бўлишига ҳамда бюджет масалалари бўйича фуқаролар билан ўзаро мулоқотни йўлга қўйишига чин дилдан ишониб қоламиз.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги



Бюджет ўзи нима?

Оммавий ахборот воситаларининг хабарларида ва расмий тадбирларда кўпинча “бюджет” сўзи қўлланилган қуйидаги ибораларни эшитиш мумкин: “Бюджетдан шунча маблағ ажратилади”, “Олий Мажлис бюджетни қабул қилди”. “Бюджет” ўзи нима?


Давлат белгиланган вазифаларни ҳал қилиши учун пул маблағлари керак. Давлатнинг ихтиёрида бўлган энг йирик пул жамғармаси Давлат бюджети деб аталади.

Давлат бюджети – бу мамлакатнинг ўз пул даромадлари ва харажатлари рўйхатини ўзида ифодаловчи асосий молиявий ҳужжат (режа)дир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маъмурий-ҳудудий бирликка мос келади ва республика бюджетини, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларини ўз ичига олади.



Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети



Бюджет қонун чиқарувчи ҳокимият органи томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжат шаклига эга.

Ўзбекистонда Давлат бюджети бир йилга мўлжаллаб қабул қилинади. Бюджетни тайёрлашдан тортиб бюджетни ижро этиш тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлашгача бўлган бутун жараён бюджет жараёни деб аталади.





Давлатнинг айрим вазифалари давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари жамғармалар орқали молиялаштирилади. Бу жамғармалар Давлат бюджети доирасидан ташқарида ташкил этилган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз бюджетига эга. Жамғармалар орқали пенсия таъминоти, автомобиль йўлларини қуриш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби вазифалар молиялаштирилади.

Устувор инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, иқтисодиётнинг базавий тармоқларини модернизациялаш ва техник қайта қуроолантириш учун маблағларни жамлайдиган Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси алоҳида мақомга эга.

Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари





ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Консолидациялашган бюджетни тузади. Консолидациялашган бюджет бюджет тизими бюджетларининг барча тушумларини ҳамда харажатларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш мақсадида шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими



Бюджет қандай шакллантирилади?


Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳалари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устуворликлари ва молия йилига мўлжалланган макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари асосида тузилади.

Бюджет даромадлари — бюджетга беғараз тушган ва қайтариб олинмайдиган пул маблағларидир.

Давлат бюджети даромадлари манбалари



Давлат бюджети даромадларининг асосий қисми солиқлар ҳисобига шакллантирилади.





Бюджет харажатлари — бу давлатнинг вазифалари ва функцияларини молиявий таъминлаш учун йўналтириладиган пул маблағларидир.

Давлат бюджетини тузишда даромадлар ва харажатлар функционал, иқтисодий, ташкилий ва бошқа мезонлар бўйича гуруҳларга бўлинади. Ушбу мақсадлар учун бюджет таснифидан фойдаланилади.

Бюджет таснифи Давлат бюджетини тузишда, кўриб чиқишда, қабул қилишда ва ижро этишда даромадлар ва харажатларнинг, шунингдек Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбаларининг бир ҳилда гуруҳларга бўлинишини таъминлайди. Шундай қилиб, бюджет таснифи бюджет жараёнининг барча босқичларида бюджет маълумотларини баҳолаш ва таққослаш, шунингдек халқаро таснифлаш тизимларини қўлловчи бошқа давлатларнинг шунга ўхшаш маълумотлари билан таққослаш имкониятини таъминлайди.

Давлат бюджети харажатлари иқтисодий белгилар, функционал вазифаси, уларни амалга оширувчи ташкилотлар ва идоралар, хуудлар ва бюджет даражаларига мансублиги бўйича гуруҳларга бўлинади.

Вазифа жиҳатдан тасниф бўйича давлат бюджети харажатлари



Давлат бюджетини баланслиги



Даромадлар харажатларга тенг бўлса, бюджет мувозанатлашган ҳисобланади.

Бюджет тақчиллиги – давлат учун номақбул ҳодисадир. Шунга қарамай, бюджет тақчиллигини узил-кесил фавқулодда, фожиали воқеалар қаторига киритиб бўлмайди, чунки тақчиллик сифати ва табиати ҳар хил бўлиши мумкин.

Бюджет тақчиллиги, агар унинг ҳажми ялпи ички маҳсулотнинг 2-3 фоизидан ошмаса, назорат қилинадиган ва иқтисодиёт учун хавfli бўлмаган тақчиллик ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилга мўлжалланган Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотнинг 0,02 фоизи ёки 59 млрд. сўм миқдорида профицит билан тасдиқланди.

Бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбалари

Ўз маблағлари – давлат ихтиёрида бўлган мол-мулкни сотиш, ижарага бериш ёки ундан фойдаланишдан тушган даромадлар. Бу даромадлар қайтариб берилмайди.



Ички ва ташқи молия бозорларида **олинган қарз маблағлари** қайтариб берилади, давлат қарзи ошишига олиб келади ва кредиторларга фоизларни тўлаш шаклида харажатларни талаб қилади.



Бюджет тақчиллиги

Агар бюджет оила даражасида кўриб чиқилса, одамлар ишлаб топганидан кўра кўпроқ сарфласа, уларда харажатларни қоплаш учун пул етишмай қолади ва улар қарз оладилар.

Давлат қарзи – бу аввалги бюджет тақчилликларини молиялаштириш учун пулни қарзга олиш натижасида ҳукуматнинг тўпланиб қолган қарздорлигидир.



Давлат нима учун қарз олади?



Қарзларни жалб қилиш шакллари. Давлат қарз олиб, қарзга олинган маблағларни шартнома шартларида кўрсатилган муддатларда ва фоизларни тўлаган ҳолда қайтариш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олади.

Қарз мажбуриятлари турлари

- Давлат қимматли қоғозлари
- Ўзбекистон Республикаси кафолатлари
- Кредитлар

Давлат қимматли қоғозлари турлари

- Ўзбекистон Республикаси ғазна мажбуриятлари
- Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган орган томонидан чиқарилган облигациялар
- Марказий банк облигациялари



Иқтисодий истиқболлар ва давлатнинг вазифалари

Мамлакатимиз *иқтисодиётнинг ҳар тарафлама ва жадал ривожланиши-ни таъминлаш, иқтисодиёт ва жамиятнинг барча жиҳатларини модернизациялаш ҳамда эркинлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш асосида интенсив тараққиёт йўлига* ўтмоқда. Бу 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган. Стратегик мақсадларга эришиш учун давлат ҳокимияти органлари ва бюджет тизими олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:





Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари қулайлигини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини ривожлантириш, шунингдек, хусусий таълим муассасалари сонини кўпайтириш ва фаолиятини кенгайтириш.



Бирламчи тиббий хизматлар, тез ва шошилч тиббий ёрдам сифатини кучайтириш, оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, даволаш муассасаларида ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармонлардан фойдаланиш имкониятини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.



Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш.



Арзон уй-жой қуриш бўйича аниқ мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг яшаш шароитлари яхшиланишини таъминлайдиган йул-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизациялаш.



Иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини сақлаш.



Давлат бошқаруви, суд ҳокимияти органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини ислоҳ қилиш бўйича тадбирларни, ҳамда концепцияда назарда тутилган бошқа маъмурий ислохотларни амалга ошириш.



Давлат бюджетининг мувозанатлилигини сақлаш, харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини таъминлаш.



Маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга ва маҳаллий бюджетларни шакллантиришда ҳамда ижро этишда маҳаллий ҳокимият органларининг мустақиллигини янада оширишга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш.

Асосий макроиқтисодий параметрлар

2018 йилги Давлат бюджети шакллантирилган ва ижро этиладиган иқтисодий шарт-шароитлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини акс эттиради.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичнинг номи	2017 йил (ҳақиқатда)	2018 йил (прогноз)
Реал сектор кўрсаткичлари		
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), трлн. сўм	249,1	290,6
ЯИМ ўсиш суръатлари, %	105,3	105,9
Инфляция даражаси, %	18,8	12,4-13,4
Саноат маҳсулотлари (шу жумладан қурилиш) ўсиши суръатлари, %	104,8	106,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ўсиши суръатлари, %	102,0	104,0
Капитал маблағлар ўсиши суръатлари, %	107,1	106,5
Чакана товар айланмаси ўсиши суръатлари	102,4	105,5
Янги иш ўринлари ташкил этиш, минг киши	336,1	346,7
Ташқи савдо баланси, млн. АҚШ доллари	945,5	880,0
Давлат молияси кўрсаткичлари		
Давлат бюджети даромадлари, ЯИМга нисбатан % да	20,0	20,7
Ташқи қарз, ЯИМга нисбатан % да	18,5	23,7
Давлат бюджет профицити (+) / тақчиллиги (-), ЯИМга нисбатан % да	0,2	0,02



2018 йилда ЯИМнинг ўсиш суръати кутилмоқда. Нархлар ўсиши юқориликча қолмоқда, бу эса асосан 2017 йилда бошланган валюта сиёсати эркинлаштирилиши ҳамда товарлар ва хизматлар нархларини шакллантиришнинг бозор усулларига ўтилиши билан боғлиқ.


ЯИМ ўсишини капитал маблағларни кўпайтириш, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигини ривожлантириш, шунингдек, чакана савдо ҳисобига таъминланиши кутилмоқда.

2018 йилда ЯИМнинг ўсиш омиллари



Давлат бюджети ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолди ва ялпи ички маҳсулотнинг кутилаётган даражада ўсишини, шунингдек, валюта бозори эркинлаштирилиши таъсирини, жаҳон нархлари ўзгариши конъюнктурасини, ташқи савдо сиёсатининг ва республикадаги инвестиция муҳитининг прогноз кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда режалаштирилди. 2018 йилги Давлат бюджети профицит билан режалаштирилди, бу эса кутилаётган даромадлар давлатнинг режалаштирилган харажатларидан ортиқ бўлиши кераклигини англатади.

Давлат бюджетининг 2013-2018 йиллардаги даромадлар ва харажатлар динамикаси (млрд. сўм)



Солиқ-бюджет сиёсатининг устуворликлари

2018 йилда солиқ юкини босқичма-босқич камайтириш ҳамда солиқлар ва йиғимлар тўлашни соддалаштириш давом эттирилди. Маҳаллий ҳокимият органларига катта молиявий ваколатлар бериш орқали минтақаларнинг молиявий ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади.

Давлат бюджетининг даромад базаси солиқ сиёсатининг куйидаги йўналишларини ҳисобга олган ҳолда тузилган.

2018 йилги солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари

<p>Солиқ солишни соддалаштириш</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ягона солиқ – фойда солиғига бирлаштирилди. • Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига тушадиган мажбурий ажратмалар ягона тўловга – давлат мақсадли жамғармаларига тушадиган мажбурий ажратмаларга бирлаштирилди.
<p>Солиқ юкини янада камайтириш</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солиқ ставкалари ўртача 30 фоизга пасайтирилди. • Тижорат банкларида олинadиган фойда солиғи 23 фоиздан 22 фоизга, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи (мобиль операторлардан ташқари) 15,5 фоиздан 14,0 фоизга пасайтирилди. • Давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар 3,5 фоиздан 3,2 фоизга пасайтирилди. • Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи: ўртача ставка бўйича 17 фоиздан 16,5 фоизгача ва энг кўп ставка бўйича 23 фоиздан 22,5 фоизгача пасайтирилди. • Ўсимлик мойи учун акциз солиғи 50 фоизга пасайтирилди.
<p>Маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Ер ва ер ресурсларидан фойдаланиш солиғи 15 фоизга оширилди. • Республикада ишлаб чиқариладиган айрим маҳсулотлар учун акциз солиқлари оширилди (10–25%). • Маҳаллий ҳокимият органларига жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан олинadиган солиқ ва жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи бўйича белгиланган базавий ставкаларга 0,7 дан 1,3 гача камайиб борадиган ва ортиб борадиган коэффициентларни жорий этиш ҳуқуқи берилди. • Жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан олинadиган солиқнинг кадастр қийматидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқариш белгилаб қўйилди, бироқ солиқ суммаси 2017 йил учун ўтказилган солиқ суммасидан 1,2 бараварга ошмаслиги керак. • Маҳаллий ҳокимликлар фаолиятининг самарадорлигига боғлиқ бўлган солиқлар ва йиғимларни шахрлар ҳамда туманлар бюджетларига бириктириш (<i>жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан олинadиган солиқ, жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш учун йиғимлар, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича белгиланган солиқ, шунингдек бозорлардан тушадиган даромадлар</i>).


Ҳозирги вақтда Ҳукумат солиқ ҳақидаги қонунларни имкон қадар соддалаштиришга, тадбиркорлик субъектларига тушади-ган солиқ юки даражасини камайтиришга, йирик ва кичик биз-нес ўртасидаги солиқ юки даражасидаги номутаносибликларни бартараф этишга, солиқларни бирхиллаштириш ва солиқ солиш базаси ўхшаш бўлган солиқларни бирлаштириш орқали со-лиқлар сонини мақбуллаштиришга, шунингдек, солиқ ҳисобо-тини камайтириш ва соддалаштиришга, операцион харажатлар-ни камайтиришга қаратилган мамлакат солиқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича фаол чора-тадбирлар кўрмоқда.

2018 йилдаги бюджет сиёсатининг асосий тенденциялари бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини назорат қи-лишни кучайтиришдан, уларнинг самарадорлигини оширишдан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақиллигини кучайтиришдан ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлашдан, бюджет харажатларини молиялаштиришнинг солиқ бўлмаган манбаларини кенгайтиришдан иборат бўлади. Бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидаги схемада кўрсатилган.

2018 йилги бюджет сиёсатининг устувор йўналишлари

Давлатнинг ижтимоий мажбуриятла-рини бажариш	<ul style="list-style-type: none"> • Давлат бюджети барча харажатларининг ярмидан кўпи (56%) ижтимоий соҳа (таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, спорт, ижтимоий) учун назарда тутилган. • Аҳоли бандлигини таъминлаш (жамоат ишларини бажариш) учун бюджетдан маблағлар ажратиш.
Бюджет соҳаси ходимларининг меҳнатига ҳақ тулашни ошириш	<ul style="list-style-type: none"> • Ходимларнинг иш ҳақи инфляция даражасидан паст бўлмаган даражада оширилади (12–13%). • Айрим тоифа ходимларнинг (ўқитувчилар, тарбиячилар, врачлар, илмий ходимлар ва бошқалар) иш ҳақларини манзилли ошириш
Бюджетлараро муносабатларни такомиллаш-тириш	<ul style="list-style-type: none"> • Минтақаларга ижтимоий харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун мақсадли молиявий ёрдам курсатиш (ижтимоий трансфертлар тақдим этиш). • Ўз даромадларини мустақил тасарруф этиш (туманлар бюджетлари даромадлари прогнозининг ортиқча бажарилган суммалари, давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг 25 фоизи). • Қутилмаган харажатлар учун илк маротаба туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг захира жамғармаси ташкил этилади. • Маҳаллий бюджетларга даромадлар тушмаган тақдирда, улар томонидан бир йилдан ортиқ булган муддатга бюджет судасини жалб қилиш ҳуқуқини бериш.
Давлат бюджетининг мувозанат-лилигини таъ-минлаш	<ul style="list-style-type: none"> • Давлат бюджети профицит билан режалаштирилган. • Йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун давлат ғазначилик облига-цияларини чиқариш.

Ўзбекистон Республикасининг Консолидациялашган бюджети, 2018 йил



ЯИМга нисбатан Давлат бюджетининг профицити 0,02%





2018 йилги Давлат бюджети

3-БЎЛИМ




Давлат бюджетини шакллантиришнинг қонунчилик асоси куйидагилардан иборат:



Давлат бюджети даромадлари

2018 йилда Давлат бюджети даромадлари 62 229,5 млрд. сўм миқдоридан прогноз қилинмоқда. Бунинг 92 фоизи солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобига шакллантирилади.

Давлат бюджети даромадлари



Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар ичига бозорлардан олинadиган даромадлар, жарима ва йиғимлар ҳамда давлат божлари киритилган.

Давлат бюджети даромадларининг учдан бир қисми қўшилган қиймат солиғи ҳисобига шакллантирилади. Акциз солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бошқа энг катта солиқлар ҳисобланади.


Солиқларнинг Давлат бюджети даромадларидаги улушлари

Давлат бюджети даромадлари	100%
Қўшилган қиймат солиғи	35,4%
Акциз солиғи	13,4%
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	10%
Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи	8,4%
Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар	7,9%
Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи	4%
Мол-мулк солиғи	3,5%
Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	3,4%
Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови	3,1%
Божхона божи	2,3%
Қўшимча фойда солиғи	2,2%
Бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмол қилганлик учун солиқ	2,1%
Ер солиғи	2%
Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ	1,7%
Абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов	0,5%
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,1%

Республиканинг 20 та энг йирик солиқ тўловчилари Давлат бюджетига тушаётган тушумларнинг 1/3 қисмини таъминлайди.



Энг йирик солиқ тўловчиларнинг Ўзбекистон Республикаси бюджетга келаятган тушумларнинг улуши



Асосий солиқлар республика ва вилоят бюджетлари ўртасида тақсимланади, чунки йирик корхоналар уларнинг асосий тўловчилари ҳисобланади ҳамда уларни бошқариш маҳаллий молия ва солиқ органларининг фаолиятига боғлиқ эмас. Бунда ушбу солиқлар бўйича тушумлар ҳажми улардан республика ва вилоят бюджети учун ҳам даромад ҳам трансфертлар манбаи сифатида фойдаланиш имконини беради.

Турли даражалардаги бюджетлар ўртасида солиқлар ва тўловларни тақсимлаш

Т/Р	Солиқнинг номи	Республика бюджети	Вилоят бюджети	Туман (шаҳар) бюджети
1	Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ			2,7 трлн. сўм
2	Жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиғи			
3	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи			
4	Маҳаллий йиғимлар (айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш учун йиғим)			
5	Бозорлардан олинадиган даромадлар			
6	Ягона ер солиғи			1,1 трлн. сўм
7	Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови			
8	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови	0,8 трлн. сўм	4,3 трлн. сўм	
9	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи			0,5 трлн. сўм
10	Юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи			
11	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	1,9 трлн. сўм	2,8 трлн. сўм	
12	Давлат божи (лицензиядан ташқари), жарима санкциялари, бошқа турдаги йиғим ва тўловлар	1,4 трлн. сўм	1,5 трлн. сўм	
13	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ			
14	Бензин, дизель ва газ истеъмоли учун солиқ			7,2 трлн. сўм
15	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ			
16	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	18,4 трлн. сўм	5,3 трлн. сўм	
17	Қўшилган қиймат солиғи			
18	Акциз солиғи			
19	Қўшимча фойда солиғи	1,3 трлн. сўм	0,1 трлн. сўм	
	Таълим ва тиббиёт соҳасигда иш ҳақи харажатларини қоплаш учун мақсадли ижтимоий трансфертлар	-7,2 трлн. сўм		+7,2 трлн. сўм
	Жами – даромадлар/харажатлар	16.4	14.0	11.5

Давлат бюджетининг барча даромадлари **Ягона газна ҳисоб-варағига** ўтказилади ва ундан бюджет харажатлари амалга оширилади.

Солиқлар ва мажбурий тўловлар

Солиқлар ва мажбурий тўловлар ставкалари ўзгартирилиши 2018 йилги солиқ сиёсатида белгилаб берилган.

Солиқ солишнинг умумий белгиланган тизимидаги юридик шахслар қуйидаги ставкалар бўйича солиқлар тўлайдилар.

Юридик шахслардан ундириладиган асосий солиқлар ва мажбурий тўловларнинг ставкалари

Солиқлар ва тўловлар	2017 йил	2018 йил
Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи	7,5%	Фойда солиғига бирлаштирилди, ставкаси 14%
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	8%	
Қўшилган қиймат солиғи	20%	20%
Юридик шахслардан олинadиган мулк солиғи	5,0%	5,0%
Ягона ижтимоий тўлов	25% кичик бизнес ва фермер хўжаликлари учун 15%	25% кичик бизнес учун 15%
Давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар		
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар	1,6%	Ягона тўловга бирлаштирилди, ставка 3,2%
Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар	1,4%	
Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар	0,5%	

Микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари барча умумий белгиланган солиқлар ўрнига бюджетга ягона солиқ тўлови тўлайди. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси, куйида кўрсатилганлардан ташқари, тушумнинг 5 фоизи миқдорида белгиланган. Бундан юқорироқ ставкалар куйидаги тоифалар учун белгиланган:

Ломбардлар, оммавий томоша кўрсатувчи тадбирларни ташкил этишдан даромадлар оладиган, тургун савдо нуқталарини ижарага беришга ихтисослашган юридик шахслар	маржа, соф тушум (ялпи даромад) дан 30% олинади
Комитентлар, брокерлар ва товар бозорларидаги бошқа воситачилар	мукофот (ялпи даромад) суммасидан 33 фоизи
Қимматли қоғозлар бозоридаги брокерлар	мукофот (ялпи даромад) суммасидан 13 фоизи

Савдо корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкаси реализация қилинаётган товар турига ва улар жойлашган аҳоли пунктига боғлиқ.



Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкалари

	Тўловчилар	Ставка солиқ солинадиган базага нисбатан фоизларда
1.	Умумий овқатланиш корхоналари	10
	- таълим муассасаларига хизмат кўрсатишга ихтисослашган.	8
	Чакана савдо корхоналари:	
	- жойлашган жойига қараб:	
	аҳоли сони 100 минг киши ва ундан кўп бўлган шаҳарларда;	4
	бошқа аҳоли пунктларида;	2
	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда;	1
	- алкогольли, тамаки маҳсулотлари, бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газни реализация қилишдаги товар айланмаси бўйича.	4
2.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олувчи, сараловчи, сақловчи ва қадоқловчи тайёрлов ташкилотлари	4
3.	Улгуржи, шунингдек улгуржи-чакана савдо билан шуғулланувчи савдо корхоналари (дорихона корхоналаридан ташқари)	5
	Улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари:	
	жойлашган жойига қараб:	
	аҳоли сони 100 минг киши ва ундан кўп бўлган шаҳарларда;	3
	бошқа аҳоли пунктларида;	2
	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда.	1



Якка тартибдаги тадбиркорлар (юридик шахс ташкил этмасдан) энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида ўрнатилган қатъий белгиланган солиқни тўлайдилар. Белгиланган солиқ ставкалари тадбиркор шуғулланадиган фаолият тури ва у ишлайдиган аҳоли пункти турлари бўйича фарқ қилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари

№	Фаолият тури	Энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан каррали миқдорда ойлик ставкалар			
		Тошкент шаҳри	Нукус шаҳри ва шаҳарлар вилоят марказлари	Бошқа шаҳарлар	Бошқа аҳоли пунктлари
1.	Чакана савдо:				
	озик-овқат товарлари ва ноозик-овқат товарлар;	7,0	5,0	3,0	2,5
	деҳқон бозорларидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари*;	3,5	2,5	2,0	1,5
	газета, журналлар ва китоб маҳсулотлари.	3,5	2,0	1,5	0,5
2.	Маиший хизматлар	2,5	1,5	1,0	0,5
3.	Ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш	2,0	1,5	1,0	0,5

шу жумладан, миллий ширинликлар ва нон-булка маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш, шунингдек, уй шариоитларида ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан махсус ажратилган жойларда ўтириш жойлари ташкил қилмасдан доналаб сотиладиган овқатларнинг айрим турларини тайёрлаш ва сотиш


4.	Бошқа фаолият турлари	2,0	1,5	1,0	0,5
5.	Автомобиль транспортида юк ташиш хизматлари	автомобилнинг юк кўтариш қувватига қараб: 3 тоннагача – 1,5; 8 тоннагача – 2,0; 12 тоннагача – 3,0; 12 тоннадан ортиқ – 3,5.			

* Уй хўжалиги, шу жумладан, деҳқон хўжалигида етиштирилган тирик ҳайвонларни (чорва моллари, паррандалар, мўйнали ва бошқа ҳайвонлар, балиқлар ва бошқалар) ҳамда уларни сўйиб, хом ёки қайта ишланган тарздаги маҳсулотларни, саноатда қайта ишлашдан ташқари, чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини табиий ва қайта ишланган тарзда, манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотларидан ташқари, сотиш бундан мустасно.

Жисмоний шахсларнинг даромадлари ва мол-мулкига солинадиган солиқлар ва мажбурий тўловлар бюджет даромадларига йўналтирилади.



Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари



Фуқаролар ўз даромадларидан тўлайдиган бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар ставкалари

Солиқлар ва мажбурий тўловлар	2017 йил	2018 йил
Дивидендлар ва фоизлар шаклида тўланадиган даромадлар учун солиқ	10%	10%
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари (қўшиб ҳисобланган иш ҳақидан)	8%	8%
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўлангунга қадар иш ҳақидан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига мажбурий бадаллар	1%	2%

Меҳнатга тўланадиган ҳақ шаклида даромадлардан тўланадиган солиқлар ва мажбурий тўловлар иш берувчи томонидан тўлов манбаида ушлаб қолинади. Бошқа турдаги даромадларни олганда солиқ тўловчи мустақил равишда мазкур солиқлар ва тўловларни тўлайди.

Мол-мулкдан олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш учун 2018 йилдан бошлаб кўчмас мулкнинг хатлов қиймати эмас, балки бозор нархлари даражасига яқинроқ бўлган кадастр қиймати қўлланилади. Шу сабабли солиқ тўланиши керак бўлган суммалар 2017 йилга нисбатан ошади, бироқ 20 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ 3454-сон қарорининг 11-бандида белгилаб қўйилган.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқ ставкалари



Мол-мулкни ижарага берадиган жисмоний шахслар учун ижара ҳақининг энг кам ставкалари

Ижарага бериладиган мол-мулк тури	Белгиланган ставка миқдорини ифодаловчи кўрсаткич	Бир ойдаги ижара ҳақи ставкаларининг энг кичик ҳажмлари, сўмда		
		Тошкент шаҳри	Нукус шаҳри, шаҳарлар-виллоят марказлари	бошқа аҳоли пунктлари
Бинолар				
Турар жойлар	умумий майдоннинг 1 кв. метри учун	4 500	3 000	1 500
Яшаш учун мўлжалланмаган жойлар	умумий майдоннинг 1 кв. метри учун	9 000	6 000	3 000
Автомобиль транспорти				
Енгил автомобиль	1 та автотранспорт воситаси учун		330 000	
Микроавтобуслар, автобуслар ва юк автомобиллари	1 та автотранспорт воситаси учун		645 000	

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқни фуқаролар мустақил равишда тўлайдилар.

Жисмоний шахслардан мол-мулкни ижарага беришдан тушган даромадларга солиқ шартнома белгиланган ижара ҳақи суммасидан келиб чиқиб, бироқ давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара ҳақининг энг кам ставкаларидан келиб чиқиб ҳисобланган суммадан кам бўлмаган миқдорда солинади.

Юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган солиқлар бўйича имтиёзлар ва чегирмалардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Амалдаги имтиёзлар рўйхати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг қўйидаги манзил бўйича сайтида танишиб чиқиш мумкин: https://soliq.uz/ru/consultations/tax_exemptions.




Давлат бюджети харажатлари

2018 йилда Давлат бюджети харажатлари Олий Мажлис томонидан қабул қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 62 170 млрд. сўм миқдорида тасдиқланди.

Ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар Давлат бюджетининг асосий қисмини ташкил этади. Бу, энг аввало, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий қўллаб-қувватлашга сарфланадиган харажатлардир. 2018 йилда Давлат бюджети харажатларининг ярмидан кўпроғи ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилади.

Давлат бюджети харажатлари тузилмаси



- Ижтимоий соҳа харажатлари (шу жумладан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳоли учун уй-жой қуриш Дастурларини биргаликда молиялаштириш мақсадида банкларга бериладиган кредит линиялари)
- Нодавлат ношароит ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтиларига
- Иқтисодиёт тармоғига сарфланган харажатлар
- Марказлаштирилган инвестициялар
- Давлат бошқарув идоралари, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари
- Суд органларини сақлаш харажатлари
- Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари
- Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ҳокимият органларнинг захира жамғармалари
- Бошқа харажатлар



Ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга сарфланадиган Давлат бюджети харажатлари

Харажатлар	млрд. сўм миқдорида	Ижтимоий соҳага сарфланадиган харажатлардаги улуши, %
Ижтимоий соҳага сарфланадиган барча харажатлар:	34 644	100
Таълим	19 504,3	56,3
Соғлиқни сақлаш	9 562,0	27,6
Фан	389,3	1,1
Маданият ва спорт	1 165,4	3,4
Ижтимоий таъминот (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ихтиёрига топширилган, ногиронлар ва кексалар яшайдиган “Мурувват” ва “Саховат” уй-интернатлари)	234,6	0,7
Ижтимоий қўллаб-қувватлаш (нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация пули тўловлари)	3 150,8	9,1




Таълим

Ўзбекистонда таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Мактабгача таълим;
- Умумий таълим;
- Мактабдан ташқари таълим;
- Ўрта махсус, касб-хунар таълими;
- Олий таълим;
- Олий таълимдан кейинги таълим;
- Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.

Таълимга сарфланадиган Давлат бюджети харажатлари



Мактабгача таълим

Мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимидаги биринчи поғонадир. Айнан шу поғона таълимнинг кейинги поғоналарида ривожлантириладиган кўникмаларни ҳосил қилади ва умр бўйи таълим олиш концепциясини амалга ошириш имконини беради.



4 911 та болалар таълим муассасаси



2 450 000 нафар мактабгача ёшдаги (3-7 ёшли) бола 739 600 нафар бола давлат таълим муассасасига бордилар



Давлат таълим муассасаларига 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар қабул қилинади

Умумий турдаги мактабгача таълим муассасалари туманлар (шаҳарлар) маҳаллий бюджетларидан молиялаштирилади.

2018 йилда мактабгача таълим муассасаларини сақлашга сарфланадиган харажатлар 2 371,4 млрд. сўм миқдоридан режалаштирилган



бюджет маблағлари ҳисобига 2 050,1 млрд. сўм	← шу жумладан: →	ота-оналар тўлови ҳисобига 321,3 млрд. сўм
---	-------------------------	---


2017 йилда мактабгача таълимни кенг ислоҳ қилиш бошланди. Уни амалга ошириш учун “Йўл харитаси” тасдиқланди ва Мактабгача таълим вазирлиги тузилди.

Таълим хизматлари ва тарбиявий ишлар сифати педагогик кадрларнинг касбий маҳоратига, шунингдек, уларнинг меҳнати-ни рағбатлантиришга тўғридан-тўғри боғлиқ.

2018 йилда давлат мактабгача таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори босқичма-босқич ошириш бошланди.

Ошириш санаси	Ходимлар тоифаси	Базавий тариф ставкаларини ошириш миқдори
2018 йил 1 мартдан	Мудирлар, тарбиячилар, методистлар, ўқитувчилар, дефектологлар, психологлар, мусиқа раҳбарлари ва тарбиячи ёрдамчилари (тарбиячи ёрдамчиси меҳнатига ҳақ тўлаш тартибининг базавий тариф ставкалари асосида белгиланади).	30%
2018 йил 1 сентябрдан	Тайёрлов гуруҳи тарбиячилари (5 ёшдан 6–7 ёшгача), олий маълумотга эга бўлган ўқитувчилар, дефектологлар, психологлар. Улар базавий тариф ставкаларининг миқдорлари умумтаълим мактаблари бошланғич синфлари ўқитувчилари базавий тариф ставкаларининг миқдорларига тенглаштирилади.	30%
	Олий ёки ўрта махсус, касб-хунар педагогик маълумотга эга бўлган тарбиячилар ёрдамчилари.	20%
	Мактабгача таълим муассасалари мудирлари	10%

Болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни ошириш ва мактабгача таълим муассасалари хизматларидан кенг фойдаланишни таъминлаш мақсадида янги болалар боғчаларини қуриш, амалдаги мактабгача таълим муассасаларини мукамал таъмирлаш ва қайта қуриш давом эттирилади.



Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим

Умумтаълим мактаблари (ихтисослаштирилган умумтаълим мактаблари бундан мустасно) туманлар (шаҳарлар) маҳаллий бюджетларидан молиялаштирилади. Таълимга йўналтириладиган давлат харажатларининг энг катта улуши (60 фоизи) мактаб таълимига йўналтирилади.

Умумтаълим мактабларини сақлаб туриш учун бюджет харажатлари:
9 793,0 млрд. сўм



9 628 та умумтаълим
мактаби

5 184 000 нафар
умумтаълим мактаб-
лари ўқувчиси

475 276 нафар ўқувчи
9 синфни тамомлади
283 000 нафар ўқувчи
10 синфни тамомлади

Энг иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида айрим фанлар чуқур ўргатиладиган давлат ихтисослашган умумтаълим мактаблари тармоғи яратилди.

Имкониятлари чекланган болаларни ўқитиш учун 68 та ихтисослаштирилган мактаб-интернат фаолият кўрсатмоқда.

Ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар кўрсаткичлари

Ихтисослиги турлари бўйича мактаб-интернатлар	Муассасалар сони	Ўқувчилар сони	1 нафар ўқувчини ўқитиш учун бюджет харajatлари
Мактаб-интернатлар – жами	68	15 070	16 668
шу жумладан, қуйидагилар учун:			
қулоғи қар (эшитмайдиган) болалар	8	1 782	19 661
яхши эшитмайдиган болалар	8	1 958	18 514
кўзи ожиз (кўр) болалар	7	1 352	18 283
яхши кўрмайдиган болалар	5	1 181	19 058
нутқида оғир нуқсон бор болалар	2	457	15 551
ҳаракат-таянч тизими бузилган болалар	8	1 766	11 368
руҳий ўсиши кечиккан болалар	6	1 537	14 326
ақлий заиф болалар (қўшимча)	24	5 037	16 580

2018-2019 ўқув йилидан бошлаб мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус таълим 11 йил давомида узлуксиз равишда умумтаълим мактаблари, шу жумладан ихтисослаштирилган мактаблар ҳамда санъат ва маданият мактаб-интернатлари, академик лицейлар томонидан берилади.

10-11 синфларда чилангар, тикувчи, ҳайдовчи, ошпаз, сартарош каби 50 дан ортиқ касб бўйича ўқув-ишлаб чиқариш комплексларида мактаб ўқувчиларини касбга ўқитиш (бир ҳафтада бир марта) жорий этилади.

11-синф битирувчиларига аттестат билан билан бирга меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган касб малакаси бўйича давлат намунасидаги дипломлар берилади.

Мактабдан ташқари таълим: мусиқа мактаблари

Мусиқа мактаблари ва санъат мактабларини сақлаб туриш учун бюджет харажатлари 238,0 млрд. сўм



304 та мусиқа мактаби
ва санъат мактаби
77 000 нафар ўқувчи
бола



Боланинг ўқиши учун
ойлик ота-оналар
тўлови ЭКИХнинг
20 фоизидан
75 фоизигача*

* Ота-она тўловлари мактаб жойлашган ерга (Тошкент шаҳри; вилоят маркази; Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа аҳоли пунктлари), мактаб ихтисослигига (мусиқа ва санъат) ҳамда мусиқий ёки бадиий мактабга борадиган оилاداги болалар сонига қараб белгиланган.

Мактабдан ташқари таълим: “Баркамол авлод” болалар марказлари – болалар ижодкорлигини ривожлантириш ва меҳнатни ташкил этиш



211 та
“Баркамол авлод”
маркази

Ойлик ота-оналар
тўлови: вилоят марказ-
ларида – 17 224,0 сўм
туманларда – 8 612,0
сўм

122 минг нафар
ўқувчи бола

Касбга ўқитиш

Ўзбекистонда эндиликда коллежларда касб-ҳунар таълими мажбурий эмас.

11-синфлар битирувчилари коллежларда ихтиёрий равишда 6 ойдан 2 йилгача бўлган муддатда тўлов-контракт асосида ўқишлари мумкин.

Касб-ҳунар коллежлари вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналар тарки-

бида ишлайди ҳамда уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб улар учун кадрлар тайёрлайди.

2017-2018 ўқув йилигача ўқишга қабул қилинган касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари белгиланган тартибда коллежларда ўқишни тамомлайди. Бу даврда касб-ҳунар коллежлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобига сақлаб турилади.



Олий таълим

Олий таълим муассасалари республика бюджетидан ва шартномалар асосида ўқитиш ҳисобидан молиялаштирилади.

Маълумот учун: бюджет ташкилотлари Бюджет кодексига мувофиқ ўзлари кўрсатадиган хизматлар учун ундириладиган тўловлар ва қонун ҳужжатларида рухсат этилган бошқа маблағлар манбалари ҳисобидан ўз тасарруфида бюджетдан ташқари жамгарма тузишлари мумкин.

Олий таълим муассасалари бюджетдан ташқари маблағларининг асосий манбаи – таълим олиш учун тулов контракт асосида тушган маблағлардир. Бюджетдан ташқари манбалар ҳисобига жорий харажатларнинг 60 фоиздан ортиғи – профессор-ўқитувчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг иш ҳақи, ижтимоий ажратмалар ва солиқлар, жорий таъмирлаш харажатлари молиялаштирилади.

2018 йилда олий таълим муассасаларини молиялаштириш учун бюджетдан 1 012,8 млрд. сўм ажратилади.



82 та олий таълим муассасаси:
Шундан 8 таси хорижий олий таълим муассасасидир

303 467
нафар талаба

Штатдаги
профессор-ўқитувчилар таркиби:
26 052

2017-2018 ўқув йилида олий таълим олиш имкониятини ошириш мақсадида олий таълим муассасаларига қабул квоталари 20 фоизга оширилди.



2017-2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури

Олий таълим сифатини ва таълим олиш имкониятини ошириш – Дастурнинг муҳим вазифаларидир.




Дастур олий таълимни жаҳон таълим тизимига интеграция қилиш, олий ўқув юртларида илм-фанни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда модернизациялаш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялари ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олади. 2017-2021 йилларда сарфлаш режалаштирилган 1,7 трлн. сўмдан 1,2 трлн. сўмни олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш кўзда тутилган.

Соғлиқни сақлаш


Ўзбекистонда 2018 йилда Давлат бюджетидан соғлиқни сақлашни молиялаштиришга 9 562,0 млрд. сўм ёки бюджет харажатларининг 15,4 фоизи йўналтирилади.



Давлат бюджетидан соғлиқни сақлашга сарфланадиган харажатларнинг иқтисодий тасниф бўйича тузилмаси



Давлат бюджетидан соғлиқни сақлашга сарфланадиган харажатларнинг йўналишлари бўйича тузилмаси



Қуйидагилар соғлиқни сақлашнинг давлат тизимига киради:


- даволаш-профилактика муассасалари: касалхоналар, диспансерлар (силга қарши, эндокринологик, тери-таносил, психиатрик, наркологик, онкологик касалликлар ва ҳоказолар), туғруққа ёрдам берувчи муассасалар, амбулатория-поликлиника муассасалари, шу жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари ва ҳоказолар;
- илмий-тадқиқот институтлари клиникалари (вирусология, эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар, эндокринология, травматология ва ортопедия ва ҳоказолар);
- вазирликлар, идоралар, давлат корхоналари, муассасалар ва ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган дорихоналар.




Тиббиёт муассасалари кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Сони
Тиббиёт муассасалари – жами:	3 655
Касалхона ўринлари	119 231
Штат ходимлари	430 229
шу жумладан, врачлар	95 180

Шаҳарларда бирламчи тиббиёт-санитария ёрдам кўрсатувчи муассасалар кўрсаткичлари



Қишлоқ жойларда бирламчи тиббиёт-санитария ёрдам кўрсатувчи муассасалар кўрсаткичлари



Қишлоқ врачлик пунктларида умумий амалиёт, кундузги стационар, физиотерапия, хотин-қизларни текшириш, вакцинация, муолажа ва стерилизация ўтказиш хоналари ҳамда лабораториялар фаолият кўрсатмоқда.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасалари аҳолига давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдамни бепул кўрсатади.

Қуйидагилар давлат томонидан кафолатланадиган бепул тиббий хизмат таркибига киради:



Тез, шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш;



Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида ва бир қатор давлат даволаш-профилактика муассасаларида, энг аввало, қишлоқ жойларда тиббий хизматлар кўрсатиш;



Аҳолини бир қатор юқумли касалликларга (қизамиқ, сил, полиомиелит, чечак, қоқшол, кутуриш ва бошқа касалликларга) қарши иммунизация қилиш ва эмлаш;



Атрофдаги одамлар учун хавф туғдирадиган ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар (ОИТС ва бошқа касалликлар), сил, онкологик, руҳий, наркологик, эндокринологик касалликларга (қанд касаллиги ва ҳоказоларга) чалинган беморлар ва касб касалликларига чалинган шахслар бўйича ихтисослаштирилган тиббий ёрдам;



Болаларни текшириш ва даволаш (пулли касалхоналардан ташқари);



15-17 ёшли ва чақирув ёшидаги (18-27 ёшли) ўсмирларни чақирув комиссиялари йўналишлари бўйича текшириш;



Туғруққа ёрдам бериш бўйича хизматлар кўрсатиш (пулли муассасалар бундан мустасно);



Давлат даволаш-профилактика муассасаларида беморларнинг имтиёзли тоифасини (ногиронлар, уруш фахрийлари, ота-онасидан айрилган етимлар ва бошқа шахсларни) даволаш.

Тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмидан ортиқ тиббий хизматлар пулли хизматлардир.

Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари (урология, кўз микрохирургияси, жарроҳлик, кардиология ва бошқа марказлар) ўзини ўзи молиялаштириш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш шартлари асосида ишлайди ҳамда пулли асосда белгиланган тарифларга мувофиқ ташхис қўйиш ва даволашнинг тасдиқлаган сифат стандартларига риоя қилган ҳолда тиббий ёрдамнинг барча турларини кўрсатади. Улар фақат имтиёзли тоифадаги шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобига бепул юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатади.




Маълумот учун: Давлат бюджети маблағлари ҳисобига Республика ихтисослаштирилган марказлари томонидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифадаги шахслар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги ПФ 3214-сон Фармони билан тасдиқланган.

2018 йилда нима ўзгаради:

Соғлиқни сақлашни молиялаштириш 1,4 баравар ошади	
Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини молиялаштириш 45 фоизга, 552 млрд. сўмдан 803 млрд. сўмга оширилади.	Ушбу маблағларга 290 та объект қурилади ва реконструкция қилинади (2017 йилда – 180 та объект).
Қишлоқ жойларда ва олис туманларда тиббиёт муассасалари қурилади.	<ul style="list-style-type: none"> • 11 та ихтисослаштирилган марказ; • вилоятларда 23 та филиал; • туманларда 126 та поликлиника; • 52 та туман тиббиёт бирлашмаси.
Дори-дармонларни сотиб олиш учун 915 млрд. сўм ажратилади.	Бу 2017 йилдагидан 2,5 баравар кўпроқдир (376 млрд. сўм).
Ходимларни рейтинг баҳолаш тизими жорий этилади.	Бу соғлиқни сақлаш тизими оддий ходимлари ва раҳбарларининг малакасини баҳолаш имконини беради.
3 та янги ихтисослаштирилган марказ ишлашни бошлайди.	Фаолият олиб бораётган 13 та ихтисослаштирилган республика марказларига неврология, нефрология ва трансплантология, шунингдек, гематология марказлари қўшилади.
Вилоятларда 4 та республика маркази филиаллари яратилади.	Ўзбекистоннинг барча вилоятларида кардиология, эндокринология, урология ва офтальмология республика марказларининг филиаллари иш олиб боради.
Олис туманларда тиббиёт марказларининг 300 та бўлими очилади.	Улардаги касалхона койкалари сони 6200 тани ташкил этади.
Тиббиёт олий таълим муассасаларига қабул квоталари оширилади.	Бакалавриятда таълим олувчилар сони 20 фоизга, магистратурада таълим олувчилар сони 10 фоизга, клиник ординатурада – 15 фоизга ошади.
Хусусий секторни кредитлаш учун 14 млн. доллар ажратилади.	Маблағлар хусусий секторни ривожлантириш учун фоизсиз кредитлар шаклида тақдим этилади. Режага кўра 243 та хусусий давлат муассасаси очилади.
Тиббий ўқув-амалий марказ яратилади.	Хусусий тиббиётни ривожлантириш ва малакали кадрлар тайёрлаш маркази кўп соҳага ихтисослашган Akfa Medline хусусий тиббиёт маркази базасида очилади.
Хорижий тиббиёт мутахассислари билан тажриба алмашиш учун шарт-шароитлар яратилади.	Ўзбекистонда қолиб ишлаган ҳолда тажриба алмашиш учун АҚШ, Жанубий Корея, Россия ва бошқа мамлакатлардан мутахассислар таклиф этилади.
Соғлиқни сақлашга доир янги қонун лойиҳалари тайёрланади.	Улар трансплантология, давлат-хусусий шериклиги ва мажбурий тиббиёт суғуртаси масалаларига бағишланади.

Аҳолининг умр кўриши узайиши, ўлим ва ногиронлик кўрсаткичлари даражасининг пасайиши, жамиятнинг умуман тиббий ёрдам кўрсатиш тизимидан қониқиш ҳосил қилиши каби кўрсаткичлар соғлиқни сақлаш соҳасининг ва унга сарфланаётган харажатларнинг ижтимоий жиҳатдан самарадорлигини ифодалайди.

Ўзбекистонда кутилаётган умр кўриш кўрсаткичининг динамикаси¹



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси


¹ Туғилганда кутилаётган умр кўриши, агар чақалоқ туғилган вақтда белгиланган ўлим кўрсаткичи бутун умр давомида ўзгармай қолса, у яшайдиган йиллар сонини кўрсатади.



Фан, маданият ва спорт

2018 йилдан бошлаб фан соҳаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, маданият соҳаси Маданият вазирлиги, спорт соҳаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тасарруфида бўлади.

Давлат бюджети умумий харажатларининг 0,6 фоизи фан соҳасига, 1,1 фоизи маданият соҳасига ва 0,7 фоизи спорт соҳасига йўналтирилади.



Қуйидагилар Давлат бюджетидан молиялаштирилади:

Фанга сарфланадиган харажатлар:

- фундаментал ва амалий тадқиқотлар, инновацион ишланмалар;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим (докторантура) – докторантларга стипендиялар ва уларнинг раҳбарларига тўланадиган иш хақи;
- илмий-тадқиқот институтларини, шу жумладан, Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтини базавий молиялаштириш;
- Давлат архивлари фаолияти.



Маданиятга сарфланадиган харажатлар:

- давлат маданият муассасалари: театрлар, цирклар, концерт ташкилотлари, музейлар, музей-қўриқхоналар, галереялар, кутубхоналар, ҳайвонот боғлари, маданий-маърифий муассасалар, аҳолининг маданият ва дам олиш марказлари ва ҳоказолар;
- мамлакатда ва хорижда ташкил этиладиган давлат ёки халқаро аҳамиятга эга маданий тадбирларни ўтказиш: Ўзбекистон делегациясининг хорижга ташрифлари доирасида ўтказиладиган Ўзбекистон маданият кунлари, халқаро ва миллий санъат фестиваллари (“Мақом”, “Шарқ Тароналари”, “Ниҳол” ва ҳоказолар).



2018 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашининг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш ва уларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисида”ги қарорини ижро этиш мақсадида давлат маданият муассасалари артистлари, маъмурий-бошқарув, бадий-раҳбар, ижодий ва бошқа ходимларининг, шунингдек, давлат архивлари бошқарув ходимлари ва мутахассисларининг меҳнат ҳақи миқдорлари ўртача 45 фоизга оширилди.

Спортга сарфланадиган харажатлар:

- спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш муассасаларини сақлашга;
- спорт тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказишга;
- мусобақалар ғолибларини, жаҳон чемпионатлари ва олимпиада ўйинлари совриндорларини мукофотлаш билан боғлиқ харажатлар;
- халқаро ва республика мусобақаларида иштирок этишга доир харажатлар.




Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш


Давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш қийин аҳволда қолган одамларнинг муносиб турмуш даражасини сақлашга қаратилган. Бунда асосий тамойил – кам таъминланган оилаларни аниқ мақсадда ижтимоий ҳимоя қилишдир.

2018 йилда Давлат бюджетидан ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари 3 150,8 млрд. сўм миқдоридан тасдиқланган, бу эса бюджетдан сарфланадиган барча ижтимоий харажатларнинг 9 фоизини ва барча бюджет харажатларининг 5,1 фоизини ташкил этади.



Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун Давлат бюджетидан сарфланадиган харажатларнинг тузилмаси





Ҳар ойлик нафақаларнинг миқдори ҳар йили индексация қилинади.

2017 йил 1 декабрдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, стипендиялар ва нафақалар миқдорлари ўртача 1,15 баравар оширилди.

Энг кичик ҳажмлар ўрнатилди:

- иш ҳақи – ойига 172 240 сўм;
- ёшга доир пенсиялар – ойига 336 880 сўм;
- болалигидан ногиронларга мўлжалланган нафақа – ойига 336 880 сўм;
- зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга – ойига 206 720 сўм.



Ижтимоий нафақалар турлари бўйича кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	14 ёшгача фарзандлари бўлган оилаларга ҳар ойлик нафақалар	2 ёшгача бўлган фарзандига қаровчи оналарга ҳар ойлик нафақалар	Даромадлари кам оилаларга ҳар ойлик моддий ёрдам	Болалигидан ногирон бўлганларга нафақа	Бола туғилганда бериладиган нафақа
Сумма (млрд. сўм)	443	921,3	210,8	883,8	229,2
2017 йилга нисбатан ўсиш	137%	115%	228%	115%	115%







Ижтимоий таъминот 234,6 млрд. сўм миқдоридagi Давлат бюджети харажатларини ўз ичига олади. Улар қуйидагиларга йўналтирилади:

- протезлашга – 8,9 млрд. сўм;
- ногиронлар харажатларини қоплашга – 26,3 млрд. сўм;
- уйда ёрдам кўрсатувчи ҳудудий марказларни ва бўлимларни молиялаштиришга – 37,9 млрд. сўм;
- ижтимоий таъминот муассасалари ва тадбирларини қўллаб-қувватлашга – 161,5 млрд. сўм.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 1 декабрдаги Фармонида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ижтимоий муҳофаза қилишга, шу жумладан уларга кўрсатилаётган хизматларни мувофиқлаштиришга масъул бўлган ихтисослаштирилган орган ташкил этиш назарда тутилган. Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилади.



Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури



2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларга олий таълим муассасаларига кириш учун қабул қилинадиган абитуриентлар умумий сонига қўшимча равишда икки фоизли квота ажратилади.






Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш

Давлат бюджетидан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига сарфланадиган харажатлар 17,75 млрд. сўмни ташкил этади, бу барча бюджет харажатларининг 0,03 фоизидир. Бу маблағлар куйидаги шаклда берилади: давлат грантлари шаклида – 6,55 млрд. сўм, субсидиялар шаклида – 8,2 млрд. сўм ва ижтимоий буюртма шаклида – 3,0 млрд. сўм.

Иқтисодиёт харажатлари

2018 йилда Давлат бюджетидан иқтисодиётга сарфланадиган харажатлар 6 957,8 млрд. сўмни ёки барча бюджет харажатларининг 11,2 фоизини ташкил этади ҳамда қишлоқ ва сув хўжалигини, уй-жойдан фойдаланиш хўжалигини қўллаб-қувватлашга, шаҳарларни обод қилиш ва ҳоказоларга сарфланадиган харажатларни ўз ичига олади.

Давлат бюджетидан иқтисодиётга сарфланадиган харажатлар тузилмаси



Марказлаштирилган инвестициялар

2018 йилда бюджетдан инвестицияларга 3 047,6 млрд. сўм йўналтирилади, бу эса барча бюджет харажатларининг 4,9 фоизини ташкил этади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устуворликларига мувофиқ ва Давлат инвестиция дастури доирасида амалга ошириладиган инвестициялар:

- республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича инвестиция лойиҳаларини, давлат мақсадли дастурларини ва давлатлараро битимларни амалга оширишга;
- суғориладиган ерларни тиклаш ва янгиларини ўзлаштиришга, сув хўжалиги қурилишига ҳамда кичик гидроэнергетикани ривожлантиришга;
- аҳоли пунктларининг муҳандислик инфратузилмасини, биринчи навбатда, яқка тартибдаги қурилиш массивларини ривожлантиришга;
- маърифат, соғлиқни сақлаш, маданият объектларини ва ижтимоий инфратузилманинг бошқа тармоқларини қуришга;
- давлат илмий муассасаларини ривожлантиришга;



- давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат илмий муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга;
- умумдавлат табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш ва табиий офатлардан ҳимоя қилувчи иншоотларни қуришга йўналтирилади.

2017-2021 йилларда энергиянинг қайта тикланадиган манбаларини янада ривожлантиришга, иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар дастури



Уй-жой қуриш

2018 йилда Давлат бюджетидан арзон кўп квартирали уйларни қуриш учун 370,0 млрд. сўм назарда тутилган, бу эса барча бюджет харажатларининг 0,6 фоизини ташкил этади.

Бу маблағлар Тошкент шаҳрида ва вилоят марказларида 13,9 минг квартирали 335 та кўп квартирали уй қуришга қўшимча молиялаштириш шаклида йўналтирилади.

Шаҳарларда кўп қаватли уйлар билан бирга қишлоқ жойларда ҳам намунавий лойиҳалар бўйича уйлар қурилмоқда.



Қишлоқ ҳудудларида уй-жойлар қуриш

Йиллар	Қурилган уйлар сони	Умумий қиймати,* млрд. сўм	Битта уйнинг ўртача қиймати, млн. сўм
2009-2017	89 167	12 232,1	137,2
2018	20 000	3 396,2	169,8
Жами	109 167	15 628,3	х

* Қуручиларнинг дастлабки бадал маблағлари Давлат бюджети, Халқаро молия институтларининг маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади.



Давлатни бошқариш

Давлат бюджетидан бошқарувга сарфланадиган харажатлар 1825,80 млрд. сўмни, умумий харажатларнинг тахминан 5 фоизини ташкил этади ва:

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига;
- Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсман) котибиятига;





- Республика бюджетидан сақлаш назарда тутилган давлат бошқаруви органларига;
- Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасаларига;
- Адлия ва прокуратура органларига сарфланадиган харажатларни ўз ичига олади.

Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ҳокимият органларининг захира жамғармалари

Молия йили давомида кутилмаган қўшимча харажатларнинг ўз вақтида ва узлуксиз молиялаштирилишини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳар бюджетининг захира жамғармалари ташкил этилади. 2018 йилда улар 1,5-2 баравар оширилди ва 335,9 млрд. сўмни ташкил этди.

2018 йил 1 январдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ҳамда шаҳарлар ҳокимликларига халқ депутатларининг тегишли Кенгашлари билан келишилган ҳолда туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг захира жамғармаларини ташкил этиш

ҳуқуқи берилди. Захира жамғармалари тегишли бюджетлар харажатлари умумий ҳажмининг 1 фоизи миқдорида шакллантирилади. Ўртача уларнинг ҳажми 1 млрд. сўмни, жами эса 184,3 млрд. сўмни ташкил этади.

Тўртинчи гуруҳ бўйича харажалар сметаларини ижро этиш жараёнида ҳудудий молия органлари томонидан мақбуллаштирилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳар шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармаларини белгиланган тартибда фойдаланган ҳолда кўпайтиришга йўналтирилади.

Бошқа харажатлар

Давлат бюджетининг бошқа харажатлари 13 545,4 млрд. сўм бўлиб, улар қуйидагиларга йўналтирилади:


- сайловлар ва референдумларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссия харажатларига, шу жумладан, округ ва участка сайлов комиссияларини, сиёсий партияларни молиялаштиришга;
- аъзолик бадалларини тўлаш ва Ўзбекистон Республикаси иштирок этаётган халқаро ташкилотларни (БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа ташкилотларни) молиялаштиришда иштирок этишга;
- давлат қарзига хизмат кўрсатиш ва Ўзбекистон Республикасининг кафолатли мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ харажатларга;





- давлат буюртмаси бўйича статистика ишларига ҳақ тўлаш учун;
- жамоатчилик тартиби ва хавфсизликни таъминлашга, божхона органларига;
- мамкалатнинг мудофаа қобилиятини таъминлашга;
- давлат ва стратегик захираларни янгилашга.






Бюджетлараро муносабатлар

4-БЎЛИМ



Бюджетлараро муносабатлар бюджет ваколатлари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, шу жумладан, мамлакатнинг бюджет тизимига тушаётган даромадлар ва харажатларининг турларини чегаралаш ва бюджетлар (Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ҳамда вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бюджетлари) ўртасида маблағларни тақсимлаш (қайта тақсимлаш) масалалари бўйича турли даражалардаги ҳокимият органлари ўртасида юзага келади.



Минтақалар бюджетларини молиявий қўллаб-қувватлашга сарфланадиган Республика бюджети харажатлари – трансфертлар

Бюджет кодексига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари мувозанатлаштирилган бўлиши керак. Бу маҳаллий бюджетларга бириктирилган барча харажатлар молиявий ресурслар билан таъминланган бўлиши кераклигини англатади.

Маҳаллий бюджетларни мувозанатлаштириш мақсадида бюджетлараро муносабатлар қуйидагиларни назарда тутади:

1. Даромадларнинг бир қисмини юқори турувчи бюджетлардан қўйи турувчи бюджетларга ўтказиш:

- Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан даромадларнинг бир қисми ҳар йили белгиланадиган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ўтказиб берилади;
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан ҳар йили белгиланадиган нормативларга мувофиқ туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ўтказиб берилади.

2. Молиявий трансфертлар – бир бюджетдан бошқасига қўйидагилар шаклида маблағлар ўтказиш:


- субвенциялар;
- ўтказиб бериладиган даромадлар;
- дотациялар;
- бюджет ссудалари;
- ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар;
- мақсадли ижтимоий трансфертлар.



Субвенциялар	(лотинча “Subvenire” – ёрдамга келмоқ) аниқ мақсадларга сарфлаш шarti билан юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга беғараз ажратиладиган пул маблағлари;
Ўтказиб бериладиган даромадлар	тегишли маъмурий-худудий бирликда шаклландиган ва ўзи шакланган тегишли маъмурий-худудий бирлик бюджетига кейинчалик ўтказиш мақсадида юқори турувчи бюджетга ўтказиладиган даромадлар;
Дотациялар	(лотинча “Dotatio” – ҳадя, эҳсон) ўз даромадлари етишмаганда даромадлар ва харажатлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун бюджетларга беғараз ажратиладиган пул маблағлари;
Бюджет ссудалари	юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига, юридик шахсга – резидентга беғараз асосда ажратиладиган пул маблағлари;
Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар	молия йили давомида бюджетларнинг параметрлари ўзгарганда юқори турувчи ва қуйи турувчи бюджетлар ўртасида юзага келадиган пул муносабатлари;
Мақсадли ижтимоий трансфертлар	юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга таълим ва тиббиёт муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар бўйича харажатларини қоплаш учун ажратилади.

Молиявий трансфертларни бюджет тизимининг “ўзаро бир-бирига боғлиқ” даражалари ўртасидагина амалга ошириш мумкин.

Маблағлар қуйидагиларга ўтказиб берилиши мумкин:



**2018 йилда юқори турувчи бюджетлардан қўйи турувчи бюджетларга даромадларнинг бир қисmini ўтказиш:
Умумдавлат солиқларидан тушумларнинг Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
маҳаллий бюджетларига ажратмалар нормативлари**
(физикларда)


Минтақалар номланиши	Юридик шахс- лардан олинадиган фойда солиғи	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ туловидан дав- лат бюджетига ажратмалар	Жисмо- ний шахс- лардан олинадиган даромад солиғи	Қўшил- ган қиймат солиғи	Акциз солиғи						Ер қаъ- ридан фой- далан- ганлик учун солиқ	
					Бензин	Дизель ёқилғиси	Авиа керосин	Алкоголлик маҳ- сулотлар (пиво- дан ташқари)	Пиво	Усимлик ёғи		
Қорақалпоғистон Республикаси	100	100	100	100				100	100	100	100	100
Андижон вилояти	65	100	100	100				100	100	100	100	100
Бухоро вилояти	79	100	100	5				100	100	100	100	100
Жиззах вилояти	81	100	100	100				100	100	100	100	100
Қашқадарё вилояти	32	100	100	37				100	100	100	100	100
Навоий вилояти	92	100	100	31				100	100	100	100	100
Наманган вилояти	100	100	100	100				100	100	100	100	100
Самарқанд вилояти	70	100	100	100				100	100	100	100	100
Сурхондарё вилояти	100	100	100	100				100	100	100	100	100
Сирдарё вилояти	90	100	100	73				100	100	100	100	100
Тошкент вилояти		100	74									
Фарғона вилояти	85	100	100	21				100	100	100	100	100
Хоразм вилояти	83	100	100	79				100	100	100	100	100
Тошкент шаҳри		10	4									

2018 йилда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари ва харajatларининг Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган мақсадли ижтимоий трансфертларнинг ҳажмлари (млрд. сум)

Минтақалар номланиши	Маҳаллий бюджетлар даромадлари:				Харажат- лар	Мақсадли ижтимоий трансфертлар *
	Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, бозорлардан тушган даромадлар ва бошқа тушумлар	Маҳаллий бюджетлар- да қолдириладиган умумдават солиқлари	Жами даро- мадлар	Маҳаллий бюджетлардан ажратилган мақсадли ижтимоий трансфертлар		
Қорақалпоғистон Республикаси	195,3	1 241,6	1 436,9	1 740,0	303,1	
Андижон вилояти	265,4	1 024,7	1 290,1	2 162,1	872,0	
Бухоро вилояти	398,3	827,8	1 226,1	1 458,4	232,3	
Жиззах вилояти	120,0	621,7	741,7	1 153,8	412,1	
Қашқадарё вилояти	702,9	1 207,0	1 909,9	2 223,5	313,6	
Навоий вилояти	261,4	598,6	860,0	999,2	139,2	
Наманган вилояти	275,4	813,0	1 088,4	1 953,7	865,3	
Самарқанд вилояти	438,9	1 198,7	1 637,6	2 629,9	992,3	
Сурхондарё вилояти	255,6	796,5	1 052,1	1 879,9	827,8	
Сирдарё вилояти	96,1	438,9	535,0	806,3	271,3	
Тошкент вилояти	594,3	1 098,2	1 692,5	2 066,8	374,3	
Фарғона вилояти	405,1	1 182,9	1 588,0	2 621,3	1 033,3	
Хоразм вилояти	192,3	700,3	892,6	1 411,7	519,1	
Тошкент шаҳри	920,6	1 458,3	2 378,9	2 378,9		
ЖАМИ	5121,6	13 208,2	18 329,8	25 485,5	7 155,7	

* Мақсадли ижтимоий трансфертлар тиббиёт муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлови бўйича харажатларни ҳамда қисмон туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилган таълим муассасаларининг ишга уйлаш харажатларини қоплаш учун республика бюджетидан ажратилган мақсадли ижтимоий трансфертлар. Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Тошкент вилоятлари бюджетларига Республика Бюджетидан мақсадли ижтимоий трансфертлар фожат туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилган соғлиқни сақлаш муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлови бўйича харажатларни қоплаш учун ажратилади.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад ва харажатлари






Давлат қарзи



Ўзбекистон Республикаси қисқа муддатли спекулятив кредитлар олмай, узоқ муддат асосида ва имтиёзли фоизли ставкалар бўйича хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсатига риоя қилмоқда. Давлат қарзининг чекланган миқдори ҳар йили навбатдаги йил учун Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини қабул қилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан белгилаб берилади.


Ўзбекистон Республикасининг давлат қарзи, ЯИМ га нисбатан фоизда



Ўзбекистон Республикасининг давлат қарзи тўлалигича ташқи қарзидир. Халқаро молия институтлари орасидан асосий кредитлар Осиё тараққиёт банкидан, Жаҳон банкидан ва Ислом тараққиёт банкидан олинган.



2018 йил 1 январь ҳолатига Давлат ташқи қарзининг таркиби



2018 йилда давлат қарзига хизмат кўрсатиш учун 952,7 млрд. сўм йўналтирилади. Фоизлар тўлашга сарфланган харажатлар 224,0 млрд. сўмни, давлат қарзини узишга сарфланган харажатлар 728,7 млрд. сўмни ташкил этди.

2018 йилда Молия вазирлигига Ўзбекистон Республикасининг давлат ғазначилик облигацияларини чиқариш, олинган маблағларни мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга, шунингдек, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратиш вазифаси топширилди.



Давлат мақсадли ва бюджетдан ташқари жамғармалари



Барча “солиқлар” одатда давлат бюджетига, яъни “Умумий жамғарма”га тушади ҳамда соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим, мактаб таълими ва олий таълим, муҳофаа ва хавфсизлик каби умумий мақсадларга сарфланади.




Агар давлат бирон-бир муайян мақсад ёки фаолият учун пул тўплашни хоҳласа, у алоҳида жамғармани ташкил этади. Одатда бу шундай фаолиятки, бу мақсадда жамғармага тушган маблағлар ва уларни тақсимлаш ўртасидаги алоқа жуда муҳимдир. Шу сабабли жамғарма учун муайян мақсадлар ёки соҳаларга фойдаланиладиган даромадлар манбалари аниқлаб олинади. Одатда жамғармага унинг асосий мақсадидан келиб чиққан ҳолда ном берилади (Республика йўл жамғармаси, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва ҳоказолар).

Ўзбекистон Республикасида олтига давлат мақсадли жамғармалари фаолият кўрсатади. Бундан ташқари, 30 дан ортиқ бюджетдан ташқари жамғармалар ташкил этилган. Мазкур иллюстрацияда фаолияти аҳолининг кенгроқ доирасини қамраб олишга ва муҳим ижтимоий-маиший масалаларни ҳал этишга қаратилган 5 та асосий бюджетдан ташқари жамғарма кўрсатилган.




Давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари ва харажатлари



- Пенсия жамғармаси
- Республика йўл жамғармаси
- Таълим ва тиббиёт муассас. ривож. жамғ.
- Бандликка қўмаклашиш жамғармаси
- Хусусийлаш. корхоналарга қўмаклаш. жамғ.

Йил бошидаги маблағлар қолдиғи – 3 675,5 млрд. сўм.



- Ерлар. мелиоратив ҳолат. яхшилаш жамғ.
- Бандликка қўмаклашиш жамғармаси
- Хусусийлаш. корхоналарга қўмаклаш. жамғ.

Йил охиридаги маблағлар қолдиғи – 3 223,9 млрд. сўм

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси




Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси – барча ишловчилар ёки пенсияга чиққан мамлакатнинг аҳолиси, шунингдек турли хилдаги нафақа олувчиларни бирлаштирган йирик бюджетдан ташқари жамғармадир.


Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари фуқаролар ва юридик шахсларнинг мажбурий ҳамда ихтиёрий ажратмалари ҳисобидан шаклланади.

Пенсия жамғармаси маблағлари кекса шахслар, ногиронлиги бўлган шахслар ва боқувчисини йўқотган меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларига пенсия ва нафақалар тўлаш учун сарфланади.


Юридик шахсларнинг мажбурий ажратмалари	Жисмоний шахсларнинг мажбурий ва ихтиёрий бадаллари
Юридик шахсларнинг давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларининг бир қисми – мажбурий ажратмалар умумий ҳажмининг 46,88 фоизи.	Ходимларнинг мажбурий суғурта бадаллари – меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромаднинг 8 фоизи.
Микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўловнинг бир қисми – меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 14,8 фоизи.	Якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари бошлиғининг мажбурий бадаллари.
Бюджет ташкилотлари, йирик корхоналар ва нотижорат ташкилотлар учун ягона ижтимоий тўловнинг бир қисми – меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 24,8 фоизи.	Қолган тоифадаги банд шахсларнинг ихтиёрий бадаллари.



Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатлари



Йил бошидаги маблағлар қолдиғи – 3 007 млрд. сўм.




Йил охиридаги маблағлар қолдиғи – 2 765,0 млрд. сўм.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фаолияти умумий авлодлар бирдамлиги тақсимлаш тизимига асосланган. Бугунги кундаги ходимлар ва иш берувчилар иш ҳақидан ўз ажратмалари ҳисобига бугунги кундаги пенсионерларни пенсиялар ва нафақалар билан таъминлайдилар. Буни қуйидаги тарзда акс эттириш мумкин:



Пенсия жамғармасига тушаётган маблағлар ҳар бир пенсионернинг ўтмишда Пенсия жамғармасига қўшган шахсий ҳиссасига қараб пенсионерларнинг сонига тақсимланади. Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобига 3 миллиондан ортиқ пенсия ва нафақа олувчиларга хизмат кўрсатилади.


Пенсия ва нафақа олувчилар



Тегишли равишда бугун Пенсия жамғармасига бадал киритиб, биз, биринчидан, ота-оналаримизни пенсия билан, иккинчидан, келажакда ўзимизни давлат томонидан кафолатланган ижтимоий ҳимоя билан таъминлаймиз.

Ҳар бир фуқаронинг келгусидаги пенсияси миқдори Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш давомийлиги ҳамда суғурта бадаллари тўланган иш ҳақи миқдорларига боғлиқ.

2013–2017 йилларда пенсиялар ва иш ҳақининг ўртача миқдори



Пенсионерлар учун қўшимча қулайликларни яратиш мақсадида Пенсия жамғармаси томонидан бир қатор бепул интерактив давлат хизматлари тақдим этилган.

Пенсионерлар ва ижтимоий нафақаларни олувчилар энди SMS-хабарлар орқали пенсиялар ва нафақалар тўланиши ва қайта ҳисоб-китоби билан боғлиқ барча ҳаракатлар тўғрисида ахборотни билиб олишлари мумкин

SMS-Pensiya
Интерактив хизмати

БУ ЖУДА ОДДИЙ!

1. Хизматга обуна бўлиш учун ўзингизнинг **ШАХСИЙ ҲИСОБ РАҚАМИНГИЗНИ (ШХР)** пенсия гувоҳномангиздан билиб олинг.

2. Мобил алоқа воситангизда қуйидаги белги, рақам ва ёзувлардан иборат SMS-сўровни теринг:
***ШХР*1*UZ#** ёки ***ШХР*1#**
SMS-сўров мисоли: ***7000007*1*UZ#**

3. Шу SMS-сўровни қуйидаги қисқа рақамга юборинг:
10711

4. Натижада пенсия (нафақа)нгизга оид турли хил SMS-хабарларга эга бўлинг ...

Shaxsiy hisob raqam-7000007;
01/2017 uchun: pensiya (nafaqa) miqdori - 667 800,00 so'm;
To'lov shakli: pochta-100%;
Tayinlangan muddati: muddatsiz.

Хизмат бепул

Битта телефон рақамига 5 тадан ортиқ бўлмаган бир нечта ҳисоб рақамни бириктириш мумкин. Шахсий ҳисоб рақамни телефонга Пенсия жамғармаси бўлимида ёки мустақил равишда бириктириш мумкин. Битта ҳисоб рақамга бир нечта телефонни бириктириш мумкин эмас.

1. Тизим шунингдек, ўтган 3 ойдан ортиқ бўлмаган давр учун тўловлар тўғрисида билиб олиш имконини беради. Бунинг учун *шахсий ҳисоб рақам * SMS сўров коди * ўтган давр # танланади: (*70000007*61*112016#).
2. Фойдаланувчи 10711 рақамига қуйидаги хабарни юбориб хизматдан ўчириши мумкин: *шахсий ҳисоб-варақ рақами * 0 # (*70000007*0#).
3. Ишонч телефонлари Ўзбекистон Республикаси бўйича ягона рақам ҳисобланади ва кўрсатилган рақамларга кўнғироқ тўғридан-тўғри (вилоят ва шаҳар қўшимча кодларисиз) териш орқали амалга оширилади.

Пенсия ва нафақаларни етказиб бериш масалалари бўйича пенсионерлар "1106" қисқа рақам бўйича мурожаат қилишлари мумкин

Пенсионерлар "1140" қисқа рақамга қўнғироқ қилиб, Пенсия жамғармасининг ишонч телефони бўйича мурожаат қилишлари мумкин



Пенсиялар ва нафақаларни тайинлаш масалаларини тартибга солувчи асосий норматив ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сон қарори билан тасдиқланган Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси


Республика йўл жамғармаси умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаб туришни молиялаштириш, шунингдек, республика йўл тармоғининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган.



Республика йўл жамғармаси даромадларининг асосий манбалари ва харажатларининг йўналишлари

Даромадларнинг асосий манбалари	Харажатларнинг асосий йўналишлари
Харид қилинган (олиб кириладиган) автомобиллар учун жисмоний шахслардан ундирилган йиғим.	Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, сақлаб туриш.
Юридик шахсларнинг давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларининг бир қисми.	Республика йўл жамғармасининг ижро этувчи дирекциясини ва бошқа бўлинмаларини сақлаб туришга сарфланадиган маъмурий харажатлар.
Халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари, бошқа манбалар.	Бошқа харажатлар.

Республика йўл жамғармасининг даромадлари ва харажатлари



Республика йўл жамғармасига йиғимлар ва мажбурий ажратмалар ставкалари

1	Юридик шахсларнинг давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларининг бир қисми	Барча тушумларнинг 43,75 фоизи			
2	Янги автотранспорт воситалари бўйича (фойдаланишда бўлмаган)	Харид қилиш нархининг 3 фоизи			
3	Фойдаланишда бўлган автотранспорт воситалари бўйича:	фойдаланиш муддатига қараб ҳар бир от кучи учун энг кам иш ҳақининг % да:			
		3 йилгача	3 йилдан 7 йилгача	7 йилдан ортиқ	
3.1		Енгил автомобиллар	11	9	6
3.2		Мотоцикллар (шу жумладан мопедлар) ва қўшимча ўрнатилган двигателга эга велосипедлар, аравачалар билан ёки аравачаларсиз	10	7	5
3.3	Бошқа моторли транспорт воситалари	16	13	9	

2018 йилда жамғарма харажатларининг устувор йўналишлари

Жами харажатлар – 3 947,0 млрд. сўм.	Умумий фойдаланилишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш – 2 089,0 млрд. сўм.	280 км
	Умумий фойдаланилишдаги автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаб туриш – 1 271,1 млрд. сўм.	2 минг км
	Умумий фойдаланилишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация ҳолатида сақлаш учун машиналар ва механизмлар харид қилиш	120,0 млрд. сўм



Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси


Бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси таълим муассасаларининг мавжуд моддий-техник базасидан самарали фойдаланиш ва уни доим янгилаб бориш, уларни энг замонавий компьютер техникаси, ўқув-лаборатория ускунаси, мебель ва инвентарь билан мунтазам қайта жиҳозлаб бориш, шунингдек, ўқув жараёнига илғор таълим технологиялари ва ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш мақсадида тузилган.




Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси даромадларининг асосий манбалари ва харажатларининг йўналишлари

Даромадларнинг манбалари	Харажатларнинг йўналишлари
Юридик шахсларнинг давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларнинг бир қисми – мажбурий ажратмалар умумий ҳажмининг 9,37 фоизи	Таълим ва тиббиёт муассасалари, болалар мусиқа ва санъати мактабларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш)
Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ажратиладиган мақсадли ажратмалар.	Олий таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш
Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари	Тиббиёт ва олий таълим муассасаларини жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш)
Халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг имтиёзли кредитлари (қарзлари) ва грантлари, хомийлик маблағлари ва бошқа даромадлар	Таълим ва тиббиёт муассасалари ходимларининг малакасини хорижда оширишга доир харажатларни молиялаштириш

Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг даромадлари




Йил бошидаги маблағлар қолдиғи – 10,7 млрд. сўм.



Йил охиридаги маблағлар қолдиғи – 11,8 млрд. сўм.

2018 йилда жамғарма харажатларининг устувор йўналишлари



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантиришни давом эттириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек, мелиорация ишларини ташкил этиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш мақсадида ташкил этилган.




Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси даромадларининг асосий манбалари ва харажатларининг йўналишлари

Даромадларнинг асосий манбалари	Харажатларнинг асосий йўналишлари
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг ягона ер солиғи бўйича бадалларининг бир қисми.	Мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш.
Давлат бюджетининг мақсадли ажратмалари.	Ихтисослашган лойиҳа ташкилотларининг лойиҳа-тадқиқот ҳужжатлари, илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш.
Халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, маҳаллий ва хорижий грантлар, маблағларнинг бошқа манбалари ва даромадлари.	Мелиорация ва бошқа техника, машиналар, ускуналар ва бошқа механизация воситалари паркини мустаҳкамлаш.



Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг даромадлари ва ҳаражатлари



2018 йилда жамғарма харажатларининг устувор йўналишлари

Қурилиш ва реконструкция қилиш	Коллектор-дренаж тармоқлари	700,7 км
	Ёпиқ горизонтал дренаж тармоқлар	310,0 км
	Вертикал дренаж қудуқлари	118 дона
	Мелиорация насос станциялари	4 дона
	Гидротехника иншоотлари	60 дона
Таъмирлаш-тиклаш ишлари	Коллектор-дренаж тизимлари	14,9 минг км
	Ёпиқ горизонтал дренаж тармоқлар	1,2 минг км
	Вертикал дренаж қудуқлари	450 дона
	Мелиорация насос станциялари	20 дона
	Гидротехник иншоотлар	2,05 минг дона
Бошқа ишлар	Томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш бўйича қурилиш-монтаж ишлари	1,8 минг га
	Ҳимоя ўрмон дов-дарахтларини экиш	500 га
	Мелиорация техникасини, машина ва механизмларни лизингга етказиб бериш	61 дона
276,0 минг га суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатининг яхшиланишини таъминлайди		

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси


Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича тадбирлар, шунингдек, аҳолининг бандлигига кўмаклашиш туман (шаҳар) марказларининг самарали фаолиятини молиялаштириш мақсадида тузилган.



Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси даромадларининг асосий манбалари ва харажатларининг йўналишлари

Даромадларнинг асосий манбалари	Харажатларнинг асосий йўналишлари
Ягона ижтимоий тўловнинг бир қисми – меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 0,1 фоизи.	Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ишларни молиялаштириш.
Маъмурий ундирувлар суммалари.	Ишсизларга ишсизлик нафақаси, моддий ёрдам, шунингдек касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш даврида стипендиялар тўлаш.
Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларига бириктирилган бинолар, иншоотлар ва хоналарни сотишдан тушган маблағлар.	Ишсизларга муддатидан олдин пенсиялар тайинланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг харажатларини қоплаш.
Фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш соҳасида фаолият кўрсатувчи нодавлат ташкилотларнинг ажратмалари.	Ҳақ тўланадиган жамoa ишларини молиялаштириш.
Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига идоровий мансуб унитар корхоналар соф фойдасининг бир қисми.	Ногиронлиги бўлган шахслар ва фуқароларнинг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари меҳнатидан фойдаланиш учун ихтисослашган иш ўринлари ташкил этишга қаратилган тадбирларни қисман молиялаштириш.
Бошқа тушумлар.	Маъмурий ва бошқа харажатлар.

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг даромадлари ва ҳаражатлари



2018 йилда Давлат дастури доирасида Бандликка кўмаклашиш жамғарма харажатларининг устувор йўналишлари

Жами харажат 19,4 млрд. сўм	Ишсиз фуқароларни касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш	25 850 киши
Жами харажат 3,7 млрд. сўм	Ишсизлик бўйича нафақа тўлаш	7,4 нафар ишсиз фуқаро
Вақтинчалик, бир марталик иш билан таъминлаш бюролари орқали	Вақтинчалик иш билан таъминлаш	29,3 минг нафар фуқаро



Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси



Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси маблағларни хусусийлаштирилган корхоналарни амалда қўллаб-қувватлаш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва тадбиркорларга бизнес юритиш асослари ўргатишни ташкил этишга йўналтириш мақсадида тузилган.



Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси даромадларининг асосий манбалари ва харажатларининг йўналишлари

Даромадларнинг асосий манбалари	Харажатларнинг асосий йўналишлари
Хўжалик жамиятларида давлат улушлари бўйича дивидендлар.	96,5 фоизи – кичик тадбиркорлик субъектларининг хусусийлаштирилган объеклари ва корхоналари базасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банкларига йўналтирилади.
Давлат мулкни ижарага қўйишдан, ижара ҳақини киритишда кечиктирилганлик учун пенялар ва шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жарималар суммаларидан тушган маблағлар.	1,5 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига бозор инфратузилмасини ривожлантиришга ва тадбиркорларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ҳолда.
Бошқа манбалар.	2 фоизи – тасарруф этиш ва бошқариш функцияларини бажариш билан боғлиқ харажатларни қоплашга.

Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси даромадлари ва харажатлари



Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида Жамоат ишлари жамғармаси




Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПФ 5052-сон “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида Жамоат ишлари жамғармаси тuzилган.

Жамоат ишлари жамғармаси даромадларининг асосий манбалари ва харажатларининг йўналишлари

Даромадларнинг асосий манбалари	Харажатларнинг асосий йўналишлари
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари.	Жамоат ишларига жалб қилинган ишсиз ва банд бўлмаган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш.
Халқаро молия институтларининг грантлари, жисмоний ва юридик шахслар, хайрия жамғармаларининг ихтиёрий эҳсонлари, бошқа хорижий донорларнинг маблағлари.	Жамоат ишларида фойдаланиш учун мўлжалланган асосий воситалар, мини-ускуналар ва инвентарни харид қилиш, шу жумладан, уларни ижара шартлари асосида бериш орқали харид қилиш.
Асосий воситалар, мини-ускуналар ва инвентарларни ижарага беришдан тушган даромадлар.	Жамоат ишларини бажариш учун махсус кийим ва хавфсизлик техникаси воситалари харид қилиш.
Молиялаштиришнинг бошқа манбалари.	Маъмурий ва бошқа харажатлар.

Жамоат ишлари жамғармаси даромадлари ва харажатлари



Жамғарма белгиланган тартибда ишсиз деб топилган, шунингдек, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларида иш изловчилар сифатида рўйхатдан ўтказилган, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига йўналтирилган фуқароларнинг иштирокини молиялаштириш учун ташкил этилган.

Жамоат ишларига жалб қилинган шахснинг меҳнатига тўланадиган ҳақ энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ошмаслиги керак.

Жамғарма харажатларининг 2018 йилга бўлган устувор йўналишлари

714 млрд. сўм

Жамоат ишларига жалб қилиш

140 083 киши

ЖАМОАТ ИШЛАРИ

Жамоат ишлари бу ҳамма учун мумкин бўлган, ҳақ тўланадиган, одатда, касбга махсус олдиндан тайёргарликни талаб қилмайдиган ишсиз ва банд бўлмаган шахслар учун вақтинчалик меҳнат фаолияти туридир.

Жамоат ишларида иштирок этиши ҳуқуқига белгиланган тартибда ишсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек иш изловчи шахс сифатида рўйхатга олинган ва жамоат ишларида иштирок этиши учун жалб қилинадиган фуқаролар эга бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги 799-сонли қарори билан тасдиқланган Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом



Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси




Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги ПҚ 2731-сонли “2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги қарори билан ташкил этилган.

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси даромадларининг асосий манбалари ва харажатларининг йўналишлари

Даромадларнинг асосий манбалари	Харажатларнинг асосий йўналишлари
Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига ўтказиладиган маблағларнинг ўн фоизи.	Иссиқлик таъминоти ва дренаж, сув таъминоти ва канализация, санитария ва маиший чиқиндиларни утилизация қилиш тизимини яхшилаш.
Автомобилларга газ тўлдирадиган компрессор станциялари томонидан реализация қилинадиган табиий газга махсус инвестиция устамаларининг ўн фоизи.	Аҳоли пунктлари, шаҳарлар ва туманларни обод қилиш, аҳолининг тоза ичимлик сувдан фойдаланиш имкониятини ошириш.
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг мақсадли ажратмалари.	Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан кўпи билан 4 фоизга ошадиган фоизли харажатларини қоплашга тижорат банкларига субсидиялар ажратиш
Халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг имтиёзли кредитлари (қарзлари)	Нукус ва Урганч шаҳарлари, туман марказлари уй-жой фондининг кўп қаватли уйларида умумий фойдаланишдаги ҳудудлар ва уй ичкарасидаги муҳандислик коммуникацияларини таъмирлаш.
Жисмоний ва юридик шахсларнинг, ҳомийлик жамғармаларининг грантлари, ихтиёрий бадаллари, хорижий донорларнинг маблағлари.	Олис ва бориш қийин қишлоқ туманларида яшовчи аҳоли учун сувларни чучуқлаштирувчи қурилмалар тақдим этиш.
Бошқа манбалар.	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисининг турмуш шароитлари ва сифатини яхшилаш бўйича бошқа тадбирлар.

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси даромадлари ва харажатлари



Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси

Республика мақсадли китоб жамғармаси умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни чоп этиш ва етказиб беришнинг барқарор ва узлуксиз молиялаштирилишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган.




Республика мақсадли китоб жамғармаси даромадларининг асосий манбалари ва харажатларининг йўналишлари

Даромадларнинг асосий манбалари	Харажатларнинг асосий йўналишлари
Бюджет маблағлари.	Нашр этиш ва қайта нашр этиш учун мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни харид қилиш ҳамда етказиб бериш.
Дарсликларни ижарага олиш учун тўловлар.	Ижара тизими учун дарсликларни харид қилиш ва етказиб бериш учун шартномаларни тўлаш.
Халқаро ташкилотлар ва молия институтлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг грантлари, кредитлари ва ҳомийлик ёрдамлари.	Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари талабалари ва ўқитувчиларини хорижий тиллар бўйича дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан бепул таъминлаш учун уларни харид қилиш ҳамда етказиб бериш
Фойдаланишга яроқсиз дарсликларни утилизация қилишдан тушган даромадлар.	Китоб савдоси билан шуғулланувчи нашриётлар, босмаҳоналар ва корхоналарга уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун мақсадли ссудалар ажратиш.
Бошқа манбалар.	Бошқа операцион харажатларни қоплаш.

Республика мақсадли китоб жамғармаси даромадлари ва харажатлари

Бошқа тушумлар
18,0 млрд. сўм




Китоблар ижрасига тўловлар
59,3 млрд. сўм

Респуб. бюдж. маблағлари
94,8 млрд. сўм

Йил бошидаги маблағлар қолдиғи – 114,7 млрд. сўм.

Маъмурий харажатлар
2,8 млрд. сўм



Китоблар ва ўқув метод.
қўллан. харажат.
155,2 млрд. сўм


Йил охиридаги маблағлар қолдиғи – 128,9 млрд. сўм.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги “Соф ичимлик суви” жамғармаси




Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ 2910-сонли “2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида” қарори билан ташкил этилган.

“Соф ичимлик суви” жамғармаси даромадлари ва харажатлари



Сув ресурс.
фойдал. солиғи-нг бир қисми
374,7 млрд. сўм



Сув таъм. ва канал. тизим. қуриш ва таъмир.
505,0 млрд. сўм

“Соф ичимлик суви” жамғармаси даромадларининг асосий манбалари ва харажатларининг йўналишлари

Даромадларнинг асосий манбалари	Харажатларнинг асосий йўналишлари
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун олинадиган солиқдан тушган маблағлари ҳисобидан Давлат бюджетидан ажратмалар, мақсадли бюджет ажратмалари.	Ичимлик сув билан таъминлаш ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастурини бажариш доирасида лойиҳа-тадқиқот ишларини молиялаштириш.
Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари.	Ичимлик сув билан таъминлаш ва канализация тизими объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш.
Халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитлари, халқаро донорларнинг грантлари, хайрия қилувчиларнинг маблағлари.	
Бошқа тушумлар.	

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси

Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПФ 5024-сонли “Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонини ижро этиш мақсадида тузилган.



Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси даромадларининг асосий манбалари ва харажатларининг йўналишлари

Даромадларнинг асосий манбалари	Харажатларнинг асосий йўналишлари
Атрофдаги табиий муҳитни ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари суммасининг 50 фоизи.	Табиатни муҳофаза қилиш, шунингдек Давлат экология қўмитаси тизимидаги объектларни лойиҳалаштириш ва қуриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, реконструкция қилиш ҳамда мукамал таъмирлаш.
Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига ифлослантирувчи моддаларни нормативдан ортиқча чиқарилганлиги учун компенсация тўловлари суммасининг 40 фоизи.	Атрофдаги табиий муҳитни ифлослантирилиши натижасида келиб чиқадиган салбий оқибатлар ўрнини қоплаш ёки олдини олиш.
Авария туфайли ифлослантирувчи моддаларни кўплаб чиқарилиши (оқизилиши, жойлаштирилиши) натижасида атроф муҳитга етказилган зарар учун табиатдан фойдаланувчилардан ундириладиган жарималар ва маблағлар суммасининг 50 фоизи.	Санитария муҳофазаси ва сувни муҳофаза қилиш зоналарини барпо этиш ҳамда қайта тиклаш, сув объектларини сақлаш ва қайта тиклаш.
Табиий ресурслардан ҳамда улардан олинадиган хомашёдан меъёридан ортиқча ва нокомплекс фойдаланганлик (нобуд қилганлик) учун табиатдан фойдаланувчилар тўловлари суммасининг 40 фоизи	Чиқинди тўплаш шахобчаларини қуриш ва уларни зарур инвентарлар (контейнерлар, чиқинди қутилари ва бошқалар), шунингдек санитария жиҳатидан тозалаш воситалари билан жиҳозлаш.
Хўжалик ва бошқа фаолият оқибатида атрофдаги табиий муҳит объектларига етказилган зарарни қоплаш учун табиатдан фойдаланувчилардан ундириладиган маблағларнинг 40 фоизи.	Санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослашган корхоналарнинг автотранспорт паркларини қуриш ва уларни жиҳозлар билан тўлдириш.
Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун айбдорлардан ундириладиган жарималар ва пул маблағлари суммасининг 50 фоизи.	Чиқиндиларни қайта ишлаш, утилизация қилиш, зарарсизлантириш ва кўмиш учун мўлжалланган объектлар қуриш, маиший чиқиндилар полигонларини ободонлаштириш.
Жарималар ва пул маблағлари суммасининг 50 фоизи.	Ижтимоий аҳамиятга молик объектларда чиқитсиз ва кам чиқитли технологияларни, шунингдек энергиянинг қайта тикланувчи манбаларини жорий этиш.
Бошқа манбалар.	Табиатни муҳофаза қилиш лойиҳалари ва тадбирларини молиялаштириш билан боғлиқ маъмурий ва бошқа харажатлар.

Асосий тушунчалар

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети – Давлат бюджетининг Қорақалпоғистон Республикаси пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, бюджетда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Бюджет таснифи – бу барча даражалардаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатларини, шунингдек бюджетлар тақчилликларини молиялаштириш манбаларини ва давлат қарзи турларини бир хил турдаги белгилар бўйича гуруҳларга бўлиш.

Бюджет тизими бюджетлари – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларидир.

Бюджет ташкилоти – давлат функцияларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра ташкил этилган, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб туриладиган нотижорат ташкилот бюджет ташкилотидир.

Бюджетдан ажратиладиган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан бюджет ташкилотлари ҳамда бюджет маблағлари олувчилар учун назарда тутиладиган пул маблағларидир.

Бюджет йили – тасдиқланган бюджет ижро этиладиган давр.

Ялли ички маҳсулот – бу мамлакат ҳудудида бир йил давомида ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг умумий бозор қиймати.

Давлат томонидан маблағ жалб қилиш – активларни жалб этиш, бу бўйича Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи-резидентларнинг кредитларини (қарзларини) тўлашга кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келишидир.

Давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш – активларни ички манбалардан (резидент-юридик ва жисмоний шахслардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз

кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келиши.

Давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш – активларни хориж манбаларидан (чет эл давлатларидан, норезидент юридик шахслардан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келиши.

Давлат газначилик облигациялари (ДФО) – бу аҳоли ва юридик шахслар ўртасида жойлаштириладиган ва пул маблағларини сақловчилар томонидан уларнинг бюджетга киритилишини тасдиқлайдиган ва ушбу қимматли қоғозларга эгалик қилиш муддати давомида қатъий белгиланган даромад олиш ҳуқуқини берадиган давлат қимматли қоғозларидир.

Газначилик – Давлат бюджетининг ижросини амалга оширувчи махсус ваколатли молия органидир.

Бюджетлараро трансфертлар – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига, давлат мақсадли жамғармаларига ҳамда бунинг аксича ўтказиладиган, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳамда бунинг аксича ўтказиладиган маблағларидир.

Маҳаллий бюджет – Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Мелиорация – ноқулай гидрологик ерлардан, тупроғи ёмонлашган ва бошқа шароитдаги ерлардан энг самарали фойдаланиш мақсадида уларни тубдан яхшилашдир.

Солиқ имтиёзлари – солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод қилиш, шунингдек, солиқ тўловчи учун солиқ юқини бошқача тарзда юмшатишдир.

Қарзга хизмат кўрсатиши – қарз (қарзлар) бўйича қарз мажбуриятларини, шу жумладан, қарздорликнинг асосий қисми, фоизлар, комиссиялар ва жарималар тўлаш бўйича мажбуриятни узиш учун умумий тўловлардир.

Бюджет маблағларини олувчи – Давлат бюджетидан ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан маблағларини олувчи юридик ёки жисмоний шахсдир.

Тартибга солинадиган солиқлар – бу қонунчилик йўли билан белгиланган нормативлар асосида республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланадиган умумдавлат солиқларидир.

Республика бюджети – Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Харажатлар сметаси – бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағларини олувчи томонидан молия йили учун тузиладиган, унинг учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар харажатлар моддалари бўйича акс эттириладиган ҳужжатдир.

Худудий молия органлари – Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимларидир.

Молия йили – биринчи январдан ўттиз биринчи декабрь куни охиригача бўлган вақтни ўз ичига олувчи давридир.

Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси – меҳнатга ҳақ тўлаш, кўшимча ҳақлар, мукофот пуллари тўлаш учун сарфланадиган харажатларни молиялаштирувчи аниқ мақсадли манбадир.

Харажатларнинг вазифа жиҳатидан таснифи – давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, бошқа бюджет ташкилотлари томонидан ижро этиладиган асосий функциялар бўйича харажатларни гуруҳларга ажратишдир.

Харажатларнинг иқтисодий таснифи – харажатларни иқтисодий йўналиши ва тўлов турлари бўйича гуруҳлаштиришдир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ БИЛАН БОҒЛАНИШ УЧУН МАЪЛУМОТ



Масъул бошқарма:

Давлат бюджети Бош бошқармаси
Масъул: *Исмонжон Мамаджанов*



Расмий веб-саҳифа

<https://www.mf.uz>



Электрон почта

info@mf.uz (фақат жамоатчилик билан алоқа учун)

mf@exat.uz (фақат идоралараро ва ҳукумат
корреспонденцияси учун)

metodsovet@mf.uz (барча учун)



Телефонлар

Оғзаки мурожаатларни қабул қилиш масалалари, раҳбарият
қабулига ёзилиш: (998 71) 239-12-31

Матбуот хизмати: (998 71) 239-40-31

Ҳукумат хат-хабарлари бўйича назорат, маълумотлар

бўлими: (998 71) 239-40-31

Канцелярия: (998 71) 239-12-52, (998 71) 239-15-69

Факс: (998 71) 244-56-43



Манзил

Тошкент ш., Истиклол кўчаси 29, 100017, Ўзбекистон.

Мўлжал: Мустақиллик майдони.



БМТТД ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Ўзбекистонда давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилишга кўмаклашиш” қўшма лойиҳаси доирасида Тошкентдаги Буюк Британия Элчихонасининг молиявий кўмагида тайёрланди.